

ФАРҒОНА ШОИРЛАРИ ШЕЪРЛАРИДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ТУРГУН БИРИКМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Гулноза Исомова,

Қўқон давлат педагогика институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мақолларда ўзбек халқининг маданияти, урф-одати, менталитети ақс этиши лингвокультурологик жиҳатдан ўрганилган. Охунжон Ҳаким, Баҳодир Исо, Иқбол Мирзо шеърларидаги мақоллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: лингвомаданиятишунослик, лингвокультурология, паремеологик бирлик, зарбулмасал, тил, шеърят.

ANNOTATION

In this article, the culture, customs and mentality of the Uzbek people are reflected in proverbs from a linguistic and cultural point of view. The proverbs in the verses of Okhunjon Hakim, Bahadur Isa, Iqbal Mirza are analyzed.

Key words: linguistics, linguistic culture, parmeological unit, dialect, language, poetry.

АННОТАЦИЯ

В данной статье культура, обычаи и менталитет узбекского народа отражены в пословицах с лингвокультурологической точки зрения. Проанализированы пословицы в стихах Охунджона Хакима, Бахадура Исы, Икбал Мирзы.

Ключевые слова: языкознание, лингвокультура, паремеологическая единица, диалект, язык, поэзия.

КИРИШ

Халқнинг доно, пурҳикмат ифодалари, йирик маданият арбоблари, олимлар, давлат арбобларининг иборатомуз гаплари, халқнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган доно фикрларини ихчам шаклда ифодаловчи асарлар мақоллардир. “Мақол” сўзи арабча бўлиб, “сўз” деган маънони билдириб, “оталар сўзи” ҳам дейилади. Чунки мақол ота-боболаримизнинг узоқ йиллар давомида кўрган -кечирганлари, тажрибалари асосида юзага келган, қадим-қадимлардан шу пайтгача эскирмаган, унутилмаган ҳикматли сўзлардир. Масалан, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас” мақолида она Ватан тинчлиги билан боғлиқ хулоса, ҳикмат мавжуд.”Ўзгалар юртида султон

бўлгунча, ўз элингда чўпон бўл” мақолида эса мусофирчилик билан боғлиқ аламлар тажрибаси бор.

Мақолда халқнинг тарихи, урф-удуми, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти, бутун борлиғи акс этади. Шунга кўра, мақоллар хилма-хил: дўстлик, ватан, меҳнат, илм-хунар эгаллаш, ботирлик, саховат, адолат каби ўнлаб мавзуларда бўлиши мумкин.

Мақолларда фикр аниқ, хулоса тугал, ифода лўнда ва, албатта, ҳукм тарзидаги ибратли фикр бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёзма адабиётда халқ мақолларидан кенг фойдаланилади. Шеърятда халқ мақолларидан фойдаланиш ирсоли масал санъатини юзага келтиради. Масалан Лутфийнинг “Аёқинга тушар ҳар лаҳза гэсу” деб бошланадиган беш байтли ғазали тўлиқ мақол асосига қурилган. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида бир қатор халқ мақоллари ишлатилган. Шоирнинг ўзи ҳам кўплаб мақоллар ижод қилган. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида 400дан зиёд халқ мақоллари қушлар тилидан берилади. Абдулла Қаҳҳор ҳикоя ва қиссаларида халқ мақолларини қаҳрамон характери очишда бадиий восита сифатида ишлатган.

М.Баннобованинг” Ўзбек халқ мақолларида қариндошлик терминларининг қўлланиши ҳақида” мақоласида мақоллар ҳақида қуйидагича фикрларга дуч келдик: ”Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий ,ҳаётий-маиший тажрибаси, умумлашган бадиий образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақолларда сўз қиммати алоҳида ёрқин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий қизғин изланишлар олиб борилаётган бир пайтда, мақолларнинг ҳар тарафлама жиҳатларини ўрганиш паремиология соҳасининг асосий вазибаларидан биридир.

Мақол халқ ҳаётий тажрибалари хулосасини бадиий жиҳатдан мукаммал ифодаловчи ҳикматли сўзлардан иборатдир. мМақолларда ифодаланиши лозим бўлган фикр ва мазмун кенг қамровли бўлади.мБизнинг фикримизча,мҳар бир мақолнинг вужудга келишида бирорта ибратли воқеа рўй берган ва бу воқеа ўта зукко, синчков доно аجدодларимиз вакили томонидан кузатилишига сабаб бўлган. “Девону луғотут турк “дан олинган қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик: ”Беш қўл баробар эмас”,м”Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг

боши бўлган яхшироқ“, ”От курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади“, ”Кудукда сув бор, аммо ит бурни тегмайди“.

Демак , мақоллар ёрдамида биз қисқаликка, ихчамликка ва гапираётган гапимизнинг мазмундорлигини ошириш учун ҳам ишлатишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди¹.

Д.Тошпўлатованинг”Ўзбек ва инглиз фолклоршунослигида мақол ва афоризм муносабати” мақоласида мақол ҳақида қизиқ фактларга дуч келдик. ”Мақолга таъриф бериш минг йилликлар мобайнида кўплаб олимларнинг диққат-эътиборида ўрганиш объекти сифатида ўз тақомилига етиб келди. Неча ўн асрлардан бери ўзбек фолклоршунослигида муҳим ўрин эгаллаган, ғоявий-фалсафий, тарбиявий хусусиятларни ўзида жамлаган мақол жанри жуда катта тарихий тараққиёт даврини босиб ўтди. Ушбу вақт мобайнида у *масал, оталар сўзи, ҳикмат, нақл* каби атамалар билан номланишга улгурган бўлса-да, бу унинг спецификасига ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Жумладан, турли луғатларда мақолга қуйидагича таърифлар келтирилган:

Мақол – мақола, кичик асар; сўз, нутқ. Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап.

А.Навоийнинг умри сўнгида битилган, ҳаётий тажрибаларининг хулосаларини барча асарларида илгари сурилган фикрларининг қаймоғи сифатида юзага келган “Маҳбуб ул-қулуб” асари афоризмларга бой. Шоирнинг “Тилга ихтиёрсиз – Элга эътиборсиз”, ”Билмаганин сўраб ўрганган олим ,Орланиб сўрамаган ўзига золим “, ”Оз-оз ўрганиб доно бўлур, Қатра-катра йиғилиб дарё бўлур”, ”Вафосизда ҳаё йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ”, ”Сихат тиласанг кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема“, ”Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши, олдида келганни емоқ ҳайвоннинг иши”, ”Сувнинг мазаси сув билан, Ошнинг мазаси туз билан сингари кўплаб ҳикматли сўзлари ҳозирги кунда ўзбек халқ мақоллари сирасига киритилган. Зотан, паремиологик хазинасининг бойишида бу каби афоризмларнинг ўрни беқиёс².

¹.Filologiya ta’limi masalalari:muammo va uning innovatsion yechimlari mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to’plami.2-qism 2022-yil 11-may.Farg’ona 2022.M.Bannobova FarDu magistranti.”O’zbek xalq maqollarida qarindoshlik terminlarining qo’llanishi haqida 160-163 betlar.

² Filologiya ta’limi masalalari:muammo va uning innovatsion yechimlari mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to’plami.2-qism Toshpo’latova Dildora O’zb.Jahon tillari doktoranti “O’zbek va ingliz folklorshunosligida maqol va aforizm munosabati 311-313 betlar

Мақолларда ўзбек халқига хос бўлган ўзбек халқининг маданияти, урф-одати қисқа, лўнда фикрлар билан акс этади. Шу ўринда севимли шоиримиз О.Ҳаким шеър ва ғазалларидаги мақолларга тўхталиб ўтсак. Унинг шеър ва ғазаллари содда ва тиниқлиги, халқчил ва таъсирчанлиги ва миллийлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг “Аввал ўйлаб сўйлагил” ғазалида мақоллардан унумли фойдаланилган. Ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, деярли ҳар бир байтида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланилган. Ушбу ғазал тўлиқ мақол асосига қурилган. Ғазал мавзуси “тил” ҳақида. Ғазалда шоир мақоллардан ўринли фойдаланиб, ўзбек халқимизга хос бўлган маданият, яъни инсон ҳар доим ўйлаб, мулоҳаза қилиб гапириши ҳақида фикр юритади. Бир оғиз ёмон айтилган сўз инсоннинг қалбини оғритиши, уни саросимага тушириши, соғлиғига путур етказиши мумкинлиги, шунинг учун ҳар бир инсон ҳар доим ширинсухан бўлиши, ўйлаб гапириши, инсонларнинг дилини оғритмаслиги ҳақида ғазалда фикр билдиради. Демак ушбу ғазалдан қуйидагича мақолларни ва ҳикматли сўзларни келтириб чиқаришимиз мумкин:

1. Аввал ўйла, кейин сўйла.
2. Тил – суяксиз.
3. Тиғ яроси битгуси, тилнинг яроси битмагай.
4. Ким дилозор – тангри ҳам ул касдан безор.
5. Аччиқ сўз ҳам ширин сўз ҳам бир оғиздан чиқгай.

Яна бир фарғоналик забардаст шоиримиз Баҳодир Исо шеърларида ҳам жуда кўп ўринларда мақолларга дуч келдик. Шоирнинг “Худо ҳар банданинг ўзига берсин” шеърида “Беш қўл баробар эмас” мақолини учратдик. Шеърда ўзбек халқимизга хос хислатлар очиқ берилган. Шеърда ушбу мақол ўринли келтирилган.

Унинг яна бир “Ватан ҳимоячиларига” шеърида “Ўзингга маҳкам бўл” деган нақлга дуч келдик. Шоирнинг ушбу шеърига мақол узукка кўз қўйгандек мос келган. Умуман олганда, шоир ижодида бундай мисолларни талайгина учратишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Севимли шоиримиз Иқбол Мирзо шеъриятида ҳам мақолларга дуч келдик. Масалан, унинг “Бўлмагай” шеъридан “Ҳасадгўйнинг қўрғонига қуш ҳам қўнмас, Худойимнинг берганига номард қўнмас” мақолини учратдик. Шеър ўзбек халқига хос бўлган ижобий хислатларга эга бўлиш ҳақида фикр юритади. Шеърда яхшилик қилиш ғояси илгари сурилади. Яна шоирнинг ижодидаги

“Бачкана кун” шеърида “Қирқига чидаган бирига чидаиди”, ”Йигит” шеърида “Осмонга ой, Йигитга от ярашар”, ”Муҳаммад Юсуф” шеърида “Ёмонга ўлим йўқ, Яхшига кун йўқ”, ”Тирикка меҳр йўқ, марҳумга қаҳр” каби кўплаб мақолларга дуч келдик.

Умуман олганда, юқоридаги ижодкорлар ўз шеърларида мақоллардан, ўзбек халқига хос бўлган ҳикматли сўзлардан унумли фойдалана олган. Улар ўз шеърларида мақолларни келтириш орқали шеъриятимиз тараққиётига, миллийлигимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

REFERENCES

1. Сиддиқов М., Юнусова З. Тил ва адабиёт маърифати. Адабиёт. 2- китоб. Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2009. – 14-15-бет.
2. Юсупова Д. Адабиёт. Тошкент: Академнашр, 2014. – 10-1-бет.
3. Баннобова М. Ўзбек халқ мақолларида қариндошлик терминларининг қўлланиши ҳақида // Филология таълими масалалари: муаммо ва унинг инновацион ечимлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2-қисм 2022. Фарғона, 2022. 160-163-бетлар.
4. Тошпўлатова Д. Ўзбек ва инглиз фолклоршунослигида мақол ва афоризм муносабати // Филология таълими масалалари: муаммо ва унинг инновацион ечимлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2-қисм 2022-йил 11-май. Фарғона, 2022. - 311-313-б.

Манбалар:

5. Охунжон Ҳаким “Малаклар сурати” Тошкент “Шарқ”2004 39-40 бетлар.
6. Баҳодир Исо “Қишлоқдаги шоир “ “Фарғона” 2016 13,34-бетлар.
7. Иқбол Мирзо “Агар Жаннат кўкда бўлса” Тошкент.”Шарқ”2011 19-20 бетлар.
8. Иқбол Мирзо “Сизни куйлайман” Тошкент “Шарқ”2007 63,67,89-бетлар.